E-ISSN : 2181-4341
https://wordlyknowledge.uz
IMPACT FACTOR(SJIF) : 3,934

ЛЕКСИК-СЕМАНТИК МАЙДОН ТУШУНЧАСИ

Лазиза Санжаровна Худайбердиева

Филология фанлари номзоди, доцент

Хорижий тиллар кафедраси

Андижон давлат тиббиёт институти

Аннотация. Тил ижтимоий ҳодиса сифатида илмий, сиёсий ҳаётда ҳамда маиший турмушда пайдо бўлаётган ҳар бир янги ҳодисани ўзида акс эттириб туради. Сўзнинг кўп маънолилик хусусияти тилнинг лексик тизимини ўзгартириб юбора оладиган ҳодиса саналади. Битта шакл (сўз) остида бир нечта маънони ифодалаш мумкинлиги лексик тизимнинг номинатив имкониятларини оширади ва уни тубдан ўзгартириб юбора олади. Кўп маънолиликнинг муҳим хусусиятлардан бири шундаки, у табиатига кўра битта қонунга бўйсунмайди. Баъзи ҳолларда кўп маънолилик муайян сўзга тегишли бўлган тўғри маъноларнинг йиғиндисидан иборат бўлади.

Калит сўзлар: Сўз, лексик-семантик майдон, маъно кўчиш усуллари.

Аннотация. Язык как социальное явление отражает каждое новое явление, возникающее в научной, политической и повседневной жизни. Многозначность слова - это явление, способное изменить лексическую систему языка. Способность выражать несколько значений в рамках одной формы (слова) увеличивает номинативную способность лексической системы и может радикально ее изменить. Одна из важных особенностей двусмысленности заключается в том, что она по своей природе не подчиняется ни одному закону. В некоторых случаях двусмысленность состоит из суммы правильных значений, принадлежащих определенному слову.
Ключевые слова: Слово, лексико-семантическое поле, методы смысловой передачи.
Annotation. Language as a social phenomenon reflects every new phenomenon that arises in scientific, political and everyday life. The polysemy of a word is a phenomenon that can change the lexical system of a language. The ability to express several meanings within one form (word) increases the nominative ability of the lexical system and can radically change it. One of the important features of ambiguity is that it does not inherently obey any law. In some cases, ambiguity consists of the sum of the correct meanings belonging to a particular word.
Key words: Word, lexical-semantic field, methods of semantic transfer.

Лексик бирликлар парадигматик ва синтагматик хусусиятларига кўра тилда ўзига хос мазмун-моҳиятига эга бўлади[1].Лексик бирликларни семантик гуруҳларга бирлаштириш ғояси ўз вақтида М.М.Покровский томонидан қайд этиб ўтилган эди: “Сўзлар ва уларнинг маънолари бир-бирларидан айри ҳолда бўлмайди: улар гуруҳларда бирлашади. Гуруҳланиш асосида улар ўртасидаги ўхшашлик ёки бош маънога қарама –қарши қўйилган маъно ётади"[2].

Лексик бирликларнинг мазкур хусусияти XX-асрнинг иккинчи ўн йилликларида И.Трир, Г.Ипсен, В.Порциг каби немис олимларини ўзига жалб этди. Удар ўз тадқиқотларида "семантик майдон" (Wortfeld, Bedeutungsfeld) тушунчасини олға сурдилар[3]. Ушбу оқимга мансуб бўлган тилшуносларнинг изланишлари натижасида лексик бирликларнинг ички қурилишини чуқур текшириш тилда лексик - семантик майдоннинг ҳукм суришини кўрсатиш имконини берди.

Лексик-семантик майдон тушунчаси тил ҳодисаларидаги системавийликни идрок қилиш, лексемалар ўртасидаги ички тизим қонуниятларини очиб бериш учун йўл очди. Бу йўналиш кўплаб тилшуносларнинг диққат-эътиборини ўзига тортди. Семантик майдон тушунчаси бўйича ўзига хос лингвистик талқинлар юзага келди. Хусусан, унга берилган

ўзгача тил тавсифини Й.Трирнинг қарашларида кузатамиз: "Муайян тил белгисини англаш учун унда **майдон** тущунчасининг бор ёки йўқлигини билиш лозим. Сўз фақат майдон ичида тушунилади. Тушунча майдонидан ташқарида маъно англашилмайди"[4].

И.Трир томонидан илгари сурилган **майдон** тушунчаси шуни кўрсатадики, муаллиф бунда биринчи галда лексик бирликларнинг билатериал характерига эътибор берган. У майдонни иккига ажратади: луғавий майдон ва тушунча майдони. Бир-бири билан боғланган ўз ҳолатига кўра асосий тушунчага бўйсунувчи тущунчани тушунча майдони сифатида талқин қилади. Сўз ва у мансуб бўлган "оилани" луғавий майдон деб атайди. И.Трир яна шуни ҳам кўрсатадики, луғавий майдон ўз хусусиятига кўра фақат маълум бир тушунчаларнигина ўзида акс эттира олади, қолган тушунчалар бошқа луғавий майдон воситасида юзага чиқади[5]. И.Трир семантик майдонни тавсифлар экан, лексиканинг предметлар билан бўлган алоқаларига, шунингдек майдоннинг аниқ чегараларини белгилаш учун халақит берадиган сўзларнинг кўп маънолигига бир неча бор мурожаат қилади.

Сўзнинг кўп маънолилигини белгилаш жараёнида унинг ўз ва кўчма маъноларини бирлаштирган синонимик қаторларни аниқлаш мумкин. Буни **тугун** сўзининг семантик структурасини таҳлил қилиш орқали кузатса бўлади. У қуйидаги маъноларда ишлатилади.

1. Асосий номинатив маъно: арқон, ип, лента каби нарсаларнинг уланган ёки сиртмоқ сингари боғланган ери;

2. Ўраб, бўғчалаб боғланган нарса, бўғча;

3.(адабий) Бадиий асарда воқеалар ривожланиши учун туртки бўлган ҳодиса, воқеа,

4. (кўчма) Воқеа, ҳодиса ва шу кабиларнинг тўқнашган, чалкаш ери; воқеалар тугуни, зиддиятлар тугуни;

5. (кўчма) Дилда тўпланган, кўнгилга ғамлик солиб турган ёки ечилмаи бош қотираётган нарса[6].

Бунда ташқари **тугун** сўзи идиоматик ибораларда ҳам ишлатилади. Масалан, **нерв тугуни** - ўзаро бириккан нейрон таначаларининг тўплами; ёки тугун оши-одатда худойига қилинадиган чучварали угра ош.

Тугун сўзининг кўчма маъносининг ривожланиши натижасида унинг кичрайтириш шакли ҳам келиб чиққан. **Бу ҳолатни тўйиб кўрдим-да, Ечиб солдим дил тугунчасин. (Сайёр)**

Ушбу сўзнинг кичрайтириш шакли ботаник атама сифатида ҳам ишлатилади: гул уруғининг остки қисмидаги уруғдонга **ҳосил тугунчалари** дейилади.

Тил материаллари шуни кўрсатадики, асосий маънонинг синонимларини қўллаш орқали сўзнинг полисемантик имкониятлари кенгайиши мумкин. Масалан, **тугун** сўзининг синонимлари сифатида **чигал** ва **чалкаш** сўзлари ишлатилади. **Чигал** сўзи луғатда қуйидагича изоҳланади: 1. Учини топиб ёзиб бўлмайдиган, чалкашиб у ер бу ерига **тугун** тушиб қолган (ип, ингичка сим ва ш.к.ҳақида); 2. (кўчма) Чалкашиб, мураккаблашиб кетган, чалкаш: **чигал воқеа, чигал иш, чигал бир масала**. Мазкур ҳолат **тугун** сўзини **воқеа ва ҳодисаларнинг тўқнашган ерини** ифодаловчи синоним сифатида ишлатиш имконини берган. Юқоридаги синонимик қаторни функционал-услубий жиҳатдан таҳлил қилиш орқали унда семантик имкониятнинг кўплигини кузатса бўлади.

E-ISSN : 2181-4341
https://wordlyknowledge.uz
IMPACT FACTOR(SJIF) : 3,934

Гапни бошқа ёққа бурма. Қани, дилингдаги тугунни еч (0йбек. Олтин водийдан шаббодалар). Бу гапда асар қаҳрамонини қийновчи қандайдир масала ҳақида гап кетяпти. Қуйидаги мисолда эса **чигал** сўзи бир - бирига боғланган муаммо мажмуини ифодалаш учун кўчма маънода қўлланмоқда: **Пўлатжоннинг кўзлари равшанлашиб кетгандек, кўпдан миясини чулғаб олган чигал ечилиб кетгандек, ўзини енгил ҳис қилди. (С.Аҳмад. Қадрдон далалар)**

Чалкаш сўзи **чигал** сўзининг синоними саналади ва қуйидаги маъноларда ишлатилади: 1. Учини, бош -кетини топиб бўлмайдиган, чигаллашиб кетган**: чалкаш ип. чалкаш (бетартиб) ёғочлар**. 2. Тушуниб, охирига етиб бўлмайдиган, англашилиши қийин: **чалкаш фикрлар, чалкаш масала.** Қизиқарлиси шундаки, семантик жиҳатдан бир -биридан узоқ бўлган **тугун** ва **чалкаш** сўзлари **чигал** сўзи туфайли бир синонимик қаторни ташкил қилмоқда. Бошқачароқ қилиб айтадиган бўлсак, **тугун-чигал-чалкаш** синонимик қаторида **чигал** сўзи қаторни ҳосил қилувчи асосий занжир сифатида юзага чиқмоқда. **Чалкаш** сўзининг семантикаси кенгайиб, у нутқ жараёнидаги бирликларнинг таркибий қисмини ифодалашга ҳам ўтган: **"У (Раҳмонов) ҳозир ўзининг чалкаш ҳаёти учун бутун айбни ўша тантиқ Маҳфузага юклашга тайёр эди" (А.Мухтор.Туғилиш)** [7].

Келтирилган мисоллар шундан далолат берадики, бундай синонимик қаторлар тилда кўп учрайди ва улар тил бирликларининг семантик имкониятларини ошириш учун хизмат қилади. Маълум бир матнда синонимик қаторнинг бошқа синонимик қаторга аралашиб кетиши кузатилади. Бундай ҳолатларда тўғри ёки кўчма маънога эга эканлиги билан ўша қатордаги сўзларга синоним бўлиб қолиши мумкин. Тўғри ва кўчма маънолар семантик жиҳатдан бир-бирини тўлдиради. Синонимик қатордаги силжишлар уни ташкил қилаётган сўзларнинг қўлланилиши учун тўсиқ бўла олмайди.

Синонимларнинг тўғри ва кўчма маъноларини ишлатиш бўйича олинган маълумотлар шуни тасдиқлайдики, уларнинг маъноларига асосланиб туриб, матнларнинг аниқ тавсифини берса бўлади. Кўчма маънода ишлатилган лексик бирликларнинг (шунингдек, синонимик қаторларнинг) кўпайиши сўзлардаги семантик сатҳнинг кенгайишини, матнлар салмоғининг ортиб боришини таъминлайди. Бундай ҳолларда семантик қаторлардаги силжиш ва бир-бирини тўлдиришга асосланган тўғри ва кўчма маънодан фойдаланилади.

Кўчма маънода ишлатилган синонимик қатор биринчи галда тўғри маънодаги лексемани кўчма маънодаги сўзлар гуруҳига қўшади ва шу усул ёрдамида унинг функционал имкониятларини очиб беради. Келтирилган фикрлар шуни тасдиқлайдики, муайян синонимик гуруҳ функционал имкониятларининг нафақат кўчма маънони янги сатҳда автоматик равишда қўллаш орқали, балки кўчма маънодаги сўзнинг тўғри маъносига синоним бўлган ҳолатлар ҳисобига ҳам кенгайиши кузатилади. Ушбу кўчма маънонинг пайдо бўлиши тўғри ва кўчма маъно ўртасидаги мотивацияга асосланган бўлади. Иккинчи томондан эса, кўп маъноли сўздаги тўғри маънонинг синонимик хусусиятига асосланилади.

Хуллас, лексик бирликларнинг маъносидаги мураккаб қурилиш ва уларнинг амалиётда қўлланиши мазкур бирликни ҳосил қилувчи элементларнинг барқарор ўзаро муносабатларига, алоқаларига боғлиқ бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1.Уфимцева А.А. Слово в лексико-семантической системе языка.-М.:наука, 1968.-272с.

2.Шамсуддинов Ҳ. Ўзбек тилида сўзларнинг функционал – семантик синонимлари. Филол.фанлари доктори...дис.автореф.-Т.,1999.

E-ISSN : 2181-4341
https://wordlyknowledge.uz
IMPACT FACTOR(SJIF) : 3,934

3.Шукуров И. Перенос значения слов в современном узбекском языке: Автореф.дис.канд.фил.наук.-Т.,1978.-21с.

4.Trier I. Der deutsche Wortschatrum sinnbezirk des Verstandes. Heidelberg,1971,5-s



WORDLY
KNOWLEDGE